

JÁMIYETLIK HÁM EKONOMIKALÍQ ILIMLER

Tariyx. Ruwqıylıq

ЖОЙ НОМЛАРИНИНГ ЭТНОМАДАНИЙ ТАДҚИҚИ

(Тошкент ареали мисолида)

А.А.Абдуллаев – таянч докторант

Чирчиқ давлат педагогика университети

Таянч сўзлар: жой номлари, лингвокультурология, этногенез, этнотопоним, Шош, Чоч, Илок, Аппак, Арғин, Ағанай, Бургалик, Бўка, Муратали, Найман, Тейит, Унгут, Уювли, Чалдар, Юзурук.

Ключевые слова: название мест, лингвокультурология, этногенез, этнотопоним, Шош, Чоч, Илок, Аппак, Аргин, Аганай, Бургалик, Бука, Муратали, Найман, Тейит, Унгут, Уювли, Чалдар, Юзурук.

Key words: toponyms, lingvokulturology, ethnogenesis, ethnotoponym, Shosh, Choch, Ilaq, Appaq, Argin, Aganay, Burgalik, Buka, Muratali, Naiman, Teyit, Ungut, Uyuvli, Chalдар, Yuzuruk.

Дунё тилшунослигида топонимларни антропоцентрик нуктаи назаридан халқнинг миллий онги, этногенези ва тарихи, маданияти билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш ономастик тадқиқотларнинг янги — лингвомаданий йўналишининг асосий тадқиқот объектларидан бирига айланиб бормоқда.

Топонимика, гарчи тилшуносликнинг ономастика бўлими тармоғи бўлса-да, у география, тарих ва этнография каби фанлар билан чамбарчас боғлиқдир. Тарихчилар айрим жой номларининг пайдо бўлиш тарихига эътиборни қаратган ҳолда жой номини тарихий нуктаи назардан тадқиқ этсалар, географлар мавжуд топонимларнинг ориентирловчи характериға кўра жойлашувига эътиборни қаратадилар, тилшунослар эса барча топонимларни ономастик бирлик сифатида ўрганадилар: атоқли от сифатида тил тизимидаги ўрнини, лексеманинг келиб чиқишини, унинг бошқа бирликлар билан ёнги бошқа жой номлари билан муносабати ва фарқини тадқиқ этадилар, антропоцентрик нуктаи назаридан топонимларнинг экстралингвистик хусусиятларини, тил ва маданият муштарақлиги қонуниятлари асосидаги лингвомаданий жиҳатларини ўрганиб чиқадилар.

Ономастик материал, хоссатан, ушбу тадқиқот мавзуси бўлган жой номлари таҳлилида тарихийлик тамойили жуда муҳим аҳамият касб этади. Чунки жой номларида халқнинг ўтмиш тарихи, этнографияси, археологияси илдиэларини сезиш қийин эмас. Шу сабабли ҳам жой номларини тарихий-этнографик нуктаи назардан ўрганишга биринчи навбатда тарихчилар қизиқиш билдиришади. Ономастик бирликларга тарихий нуктаи назардан ёндашув тарихий, археологик ва этнографик маълумотларни, фактларни ономастика доирасига кенг татбиқ этишга олиб келади. Шу билан бирга ономастик лексика тарихий аспект (қиёсий-тарихий ва тарихий-қиёсий йўналишлар) да кенг ўрганилади. Ономастикага, хусусан, топонимларга лингво-тарихий методни қўллашда А.М.Селишев, А.И.Попов, В.А.Никитин, Б.А.Серебренников, В.Н.Топоров, О.Н.Трубачев, Ю.А.Карпенко каби рус олимларининг, В.Георгиев, В.Ташицкий, С.Роспонд, Ф.Безглай сингари чет эллик олимларнинг хизмати катта бўлди.

Жой номлари тарихий нуктаи назардан ўрганилганда қуйидаги икки йўналишга амал қилинади: а) жой номларининг тарихий ҳолатидан ҳозирги кўринишигача бўлган ўзгаришларни аниқлаш усули (перспектив таҳлил усули); б) жой номларининг ҳозирги ҳолатидан унинг тарихий ҳолатигача бўлган тарихий ривожланиш жараёнини аниқлаш (ретроспектив таҳлил усули). Ҳар икки таҳлил йўналишидан ҳам асосий мақсад жой номларининг ривожланиш, ўзгариш жараёнларини аниқлашдан иборатдир.

Ономаст-топонимистлар тўпланган материални тарихий метод билан ўрганганда лисоний (этниқ) стратиграфия (лотинча: stratum — “қатлам” ва юнонча: grapho — “ёзаман” сўзларидан)ни аниқлашга интилади. Бундай таҳлиллардан мақсад ономастик

бирликларнинг энг қадимги ўз ва ўзлашган қатламларини аниқлаш, унинг таркибидаги ўзгаришлар силсиласини белгилашдир. Жумладан, этнотопонимларнинг тарихий келиб чиқиш этимологияси, унинг маъносини изоҳлаш, шунга доир турли хил қарашларни келтириб, уларга муносабат билдириш ана шундай изланишлар самараси саналади. Кейинги йилларда олимлар жой номларидаги ички (лисоний-структур) ва ташқи (экстралингвистик) ўзгаришлар тарихини ўрганишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Биринчи тип ўзгаришда жой номларининг лисоний таҳлили, эволюцияси аниқланади, иккинчисиде эса у ёки бу жой номларида давр руҳининг лингвомаданий манзарада акс этиши инобатга олинади. Шу ўринда, мустақиллик туфайли халқимизнинг ўзликни англашга, ўлкамиз жой тарихига, маданияти, тили, аждодларимизнинг бой маънавий меросига дахлдорлик масалаларига қизиқиш ҳақли равишда жонланганини таъкидлашимиз жоиз.

Ўрта Осиё ва ундаги жой номлари ҳақида илмий манбаларга мурожаат қилганда, бу соҳадаги тадқиқотлар энг қадимги манбаларга бориб тақалишини кўриш мумкин. Мисол учун, миллоддан олдин яшаб ўтган (V-IV асрларда), “Тарих отаси” дея ном олган юнон олими Геродот асарларида Аракс (Амударё), Яксарт (Сирдарё), Мароканд (Самарканд) каби жой номларини учратиш мумкин. Шу биргина манбанинг ўзиёқ муайян жой атамаси (лингвистика), жойлашиш худуди (география) ва ўша жой тарихи (тарих) билан алоқадор эканидан далолат беради. Тошкент ареали топонимик манзараси ҳақида гапирганда, табиийки, воҳанинг географик жойлашуви, худуд тарихи ҳамда худуднинг ўзига хос этнолингвистик хусусиятлари ҳақида маълумотга эга бўлмаган тадқиқотчининг мазкур худуд жой номлари хусусидаги маълумотлари илмийлик тамойилига тўла жавоб бера олмайди.

Тошкент ареали худудини текислик, тоғолди ва тоғ зоналарига ажратиш мумкин. Воҳанинг бундай ўзига хос географик ўрни, мазкур худуд табиий шароитларининг қулайлиги, воҳанинг табиий қазилма бойликларга бойлиги қадимдан ушбу маконда инсонларнинг истиқомат қилиш, деҳқончилик, чорвачилик ва баҳоли-қудрат кончилик ишлари билан машғул бўлиб, уни секин-асталик билан ривожлантириш имконини берган ҳамда бу асослар улар томонидан жой номларини ифодалашларида ҳам ўз аксини топган.

Тарихий манбаларда Чоч, Шош, Илок [1] дея номланган Тошкент воҳаси сув ресурсларига бой, иклими мўътадил, тупроғи ҳосилдор бўлиб, мазкур заминда инсонларнинг яшаб меҳнат қилиши учун жуда қулай табиий шарт-шароитларга эга бўлган. У инсоният тарихининг ибтидоидаёқ энг қадимги одамзот аждодларининг маконларидан бири бўлган. Бу ҳолат унинг топонимик тизимида ҳам акс этган бўлиб, Тошкент вилояти топонимлари ўзига хослиги ва Ўзбекистоннинг бошқа худудлари топонимларидан кўп жиҳатлари билан фарқ қилиши билан ажралиб туради. Жумладан, воҳанинг топонимик манзарасига эътибор қаратадиган бўлсак, топонимик тизимнинг барча тур

доирасида ўзига хос калейдоскопик кўриниш ҳосил қилганлигини кўришимиз мумкин бўлади.

Худудий жиҳатдан Тошкент воҳаси жой номларининг таҳлили шундан далолат берадики, мазкур ареалнинг географик атамаларида худуднинг физик жуғрофияси, ландшафти, жойлашиш ўрни, ҳажми, шакли ва миқдор хусусиятлари, ҳайвонот ва ўсимликлар олами билан боғлиқ жиҳатлар билан бир қаторда, бу заминда истиқомат қилган инсонларнинг этногенези, касб-ҳунари, диний эътиқод билан боғлиқ тушунчалари, жой номлари билан боғлиқ фольклор унсурлари, ижтимоий, сиёсий ва замонавий муносабатларни ифодалайдиган, шунингдек, бошқа лингвистик жиҳатларни кузатиш мумкин.

Тошкент воҳаси топонимик тизимида этноонимлар етакчи ўринни эгаллайди. Чунки ўтмишда воҳа аҳолисининг этник таркиби хилма-хил бўлган. Бу худудда асрлар давомида турли уруғ, қабила, қавм, халқларга мансуб кишилар истиқомат қилганлар. Уларнинг кўпчилиги вақт ўтиши билан ўтrockлашиб этник номларини унутиб юборганлар. Лекин этник гуруҳларнинг номи улар яшаган жойларда топоним сифатида сақланиб қолган.

Мазкур ареалда этник номлар билан боғлиқ жой номларига қуйидаги мисолларни келтириш мумкин:

Аппак – к. Ўрта Чирчиқ тумани. Қозоқларнинг алимולי қабиласининг бир уруғи **аппак** (оппоқ) деб аталади.

Арғинчи – (к. Юқори Чирчиқ тумани), ўзбек, қозоқ ва бошқа туркий халқлар таркибига кирган қабила. **Арғинчи** – “арғин қабиласи вакили”, “арғинлик”.

Ағанай – к., Қибрай тумани. Қирғизларнинг саруу қабиласининг бир уруғи **ағанай** деб аталган.

Бурғалик – к. Ўрта Чирчиқ тумани. Кўчманчи ўзбеклар таркибида **бурғали** деган уруғ бўлган. Сарой қабиласининг бир уруғи **бурғали сарой** деб аталган.

Бўка – ш., Бўка тумани. Қадимги турк тилида, ҳозирги баъзи бир туркий халқлар (қозоқлар, қирғизлар) тилида **бўка** “пахлавон” деган маънони англатади. **Бўка** деган уруғ ҳам бўлган, масалан, қанглиларнинг бўка-қангли уруғи қайд қилинган.

Дурет – к., Қуйи Чирчиқ тумани. Қозоқларнинг кўнғирот қабиласи таркибида **дурет** уруғи бор.

Керовчи – к., Пискент тумани. **Керовчи** (кереучи) курама ўзбеклар таркибидаги уруғлардан бири. Уруғ вакиллари асосан Тошкент воҳасида яшаган.

Кучак – к., Қуйи Чирчиқ тумани, ўзбекларнинг сарой қабиласи таркибида **кучак** (кучактўпа) уруғи бўлган.

Кўкмўйин – к., Ўрта Чирчиқ тумани. Қипчоқ ўзбекларининг бир уруғи, қирғизларнинг бағиш қабиласининг бир уруғи **кўкмўйун** деб аталган.

Кўксарой – к., Тошкент тумани. Сарой қабиласининг бир тармоғи – **кўксарой**.

Мамут – к., Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон туманлари. Қозоқларнинг шаншқли қабиласининг бир уруғи **мамут** (мамут) деб аталган.

Муратали – к., Пискент тумани. Қирғизларнинг буғу, саруу қабилалари таркибида **муратали** уруғи бўлган.

Мўғол – к., Пискент тумани, ўзбеклар (**юз** қабиласи) ва қирғизлар (**ават** қабиласи) таркибида **мўғол** уруғи қайд қилинган.

Найман – к., Бекобод, Зангиота, Қуйи Чирчиқ туманлари. **Найман** – ўзбеклар таркибига кирган қабила. Мўғулча **найма** “саккиз” (уруғ) деган сўз. Қабила таркибидаги уруғлардан бири **сағизурув** (“саккиз уруғ”) деб аталади.

Оққовоқ – к., Қибрай тумани. Қозоқларнинг **суван**, қирғизларнинг **чекирсаяқ** қабилаларининг бир уруғи **оққовоқ** (аққабақ) деб аталган. **Қовоқ** (қобок) деган

географик атама “тик қирғоқ” маъносини англатади.

Парчаюз – к., Бекобод тумани. **Парчаюз** – юз қабиласи таркибидаги уруғ, “юз қабиласининг бир парчаси, бўлағи” демакдир. Бошқа қабила, уруғлар таркибида ҳам **парча** этноними учрайди.

Рамадон – к., Тошкент, Чиноз, Бўка, Зангиота туманлари. **Рамадон** – кўчманчи ўзбеклар таркибидаги уруғлардан бири, қозоқларда ҳам рамадан уруғи бўлган.

Сазбақа (Сасбақа) – к., Қибрай, Юқори Чирчиқ. **Сазбақа** деган қозоқ уруғи бўлган (соз – ботқоқлик). Сазбақа (“ботқоқлик бақаси”) уруғининг тотеми (мукаддас жонивори). Қирғизлар таркибида **сасбақ** уруғи бўлган.

Саритағмали – к., Охангарон тумани [2:122-126]. Шу ўринда этнотопонимларда кўп учрайдиган баъзи ранглар хусусида: маълумки, турли ранглар ва улар ҳақидаги тотемик, мифологик, диний, бадий, фалсафий тушунчалар ўтмишда туркий халқлар ҳаётида муҳим ўрин тутган. Бу ҳақда К.Шониезов шундай ёзади: «Қадимги даврларда Олтой ва Жанубий Сибирда яшаган туркий қабилалар шимол, жануб, шарқ, ғарбни ранглар номи билан атаганлар. Қора ранг шимолни, қизил ранг жанубни, кўк ранг шарқни, оқ ранг ғарбни, сариқ ранг марказни билдирган. Маълум бир қабила иттифоқида бўлган кишиларнинг томонларга қараб жойлашиши одат тусига кириб, вақт ўтиши билан томонларнинг номлари (ранг номлари) этноним бўлиб қолган» [3:145-146]. Демак, юқоридаги этнонимлар таркибида ранг билдирувчи сўзлар ўтмишда уруғининг жойлашиш ўрни ёки дунё томонларини аниқлаш мақсадида қўлланилган. Айни пайтда, мазкур компонентларни фақат ранг-тусни билдирувчи сўзлар дея олмаймиз, чунки уларнинг айримлари хусусият билдирувчи сўзлардир [4:83]. Масалан, сариқ сўзи – оксуяқ, аслзода, бойлик, мол-мулк, дабадаба маъноларини ҳам ифодалаган ҳолда тамғали уруғига тегишли асилзодалиқни ёки бой бадавлатликни ҳам билдирган бўлиши мумкин. Қора сўзи эса улкан, катта деган маъноларни билдириб, бу асосида юзага келган қорабоғиш, қоратейит, қорабўйин этнонимлари бағиш, тейит, бўйин уруғларининг улкан, катта бўлаклари деганидир [5:19-23]. 3.Дўсимовнинг таъкидлашича, қора сўзи Хоразм шеваларида этноним ва топоним таркибида кўплик маъносини англатади [6:33].

Сартюз – к., Бекобод тумани, **Сартюз** (сартжузи) – юз қабиласининг уруғларидан бири.

Телов (тилов) – к., Охангарон тумани, ўзбек-курамалар таркибидаги уруғлардан бири.

Тейит – к., Юқори Чирчиқ тумани. Қирғизларнинг **тейит** қабиласи бўлган (тармоқлари: бойтейит, қоратейит, саритейит, ўғритейит ва б.).

Тўқбой – к., Бекобод, Қуйи Чирчиқ туманлари. **Юз** қабиласининг уруғларидан бири **тўқбой** деб аталган.

Увоқ – к., Охангарон тумани. **Увоқ** (парча, ушоқ) – этноним. Масалан, қозоқларда увақ (увоқ) деган уруғ бор.

Унгут – к., Охангарон тумани. Ўзбеклар таркибида, қозоқларнинг **бойули** қабиласи таркибида **унгут** (унгут) уруғи қайд қилинган. Асли унгутлар (ўнгутлар) – илк ўрта асрларда Мўғулистоннинг жанубида, Хитойнинг чегара қисмларида яшаган туркий халқ. Кейинчалик мўғуллашиб, XIII асрда мўғул қўшинлари таркибида Ўрта Осиёга келиб, маҳаллий халқлар таркибига сингиб кетган.

Учбов – к., Бўстонлиқ тумани. Туркманларнинг **човдур** қабиласи таркибида **учбағли** деган уруғ қайд қилинган. Ўзбекларда бу уруғ учбов(ли) деб аталган. Қипчоқ ўзбекларида **қабила** “бов” дейилган, “92 бовли ўзбек” ибораси шундан. Бўстонлиқ туманида **Бўстонбов** деган қишлоқ бор. Ўзбекистондаги **Қорабоғ** номли қишлоқлар асли **Қорабов** бўлган.

